



Schweizerische Eidgenossenschaft
Confédération suisse
Confederazione Svizzera
Confederaziun svizra



Давлатларо сув хўжалигини мувофиқлаштириш

комиссиясининг


илемий-ахборот маркази

Сув ресурсларини бошқариш халқаро институти

**«Фермер хўжаликлари даласида сувнинг маҳсулдорлигини ошириш»
лойиҳасининг**

**БУГДОЙНИ ЗАНГ КАСАЛЛИГИ ВА УНГА
ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ БЎЙИЧА**

ТАВСИЯ



АНДИЖОН

Буғдойзорларда асосан занг касаллигининг уч тuri поя, қўнғир ва сариқ занг касалликлари кўп учрайди.

Поя занги тоғ олди минтақаларида буғдойни сут-мум пишиш даврида қайд этилади. Касалликни ривожланиши ҳамда тарқалиши суст бўлганлигидан ҳосилга зарари ҳозирча кам. Бундан ташқари Шарқий Африкада пайдо бўлган поязанги қўзғатувчисининг янги тuri Марказий Осиёга тарқалмоқда ва Эронга ҳам етиб келган. Бу касалликни мамлакатимизга кириб келиш ҳавфи бор. Поя занги 15 °C ҳароратда бошланади. Демак, буғдойзорларда мунтазам кузатув олиб бориш зарур. Ушбу касаллик аниқланиши билан ҳимоя тадбирларини қўллаш зарур.

Буғдой қўнғир занги. Касаллик кейинги йилларда деярли хамма вилоятларда буғдойда ўртача ва кучли равишда ривожланмоқда. экинларда касаллик бошланиши ва касалланиш даражасига боғлиқ ҳолда занг касалликлари ҳосилни ҳар хил даражада камайтиради. Агар буғдой гуллаш даврида 40-80 фоизгача қўнғир занг билан касалланса, ҳосилнинг 10,0-26,5 фоизигача нобуд бўлади. Бошоқ чиқариш босқичида касаллик 40-50 фоизгача ҳосилни нобуд қилиши мумкин.

Касаллик белгилари: баргларда (дуч келган жойларida) думалоқ, сарғиши-қўнғир, чангли урединно-пустула (ёстиқча), ҳосил бўлади. Шу пустулалар ичida ривожланган урединно споралар бошқа барглар ва ўсимликларга шамол ёрдамида ўтади ва об-ҳаво замбуруғ учун кулай (ёмғир, шабнам, температура 15-23 °C) бўлса, бошқа барглар ва ўсимликларга янада кенгроқ тарқалади. Касаллик ҳаво ҳарорати 10°C бўлганда бошланади.

Касаллик манбаи – тоғларда, адирларда қўнғир занг билан касалланган ёввойи ҳолда ўсадиган бошоқли бегона ўтлар ҳисобланади. Шу ўтларда нурединно-споралар кузда кузги буғдой экинига ўтади ва касаллик янгидан тарқалади. Замбуруғ касал буғдой майсаларининг ичida мицелий ҳолида ва баргаларида пустула сифатида қишлияди.

Буғдой сариқ занги. Бу касаллик қўнғир зангга нисбатан камроқ тарқалган, аммо келтирадиган зарари юқори бўлгани учун, ўта ҳавфли

хисобланади. Сариқ занг ҳатто дон түлиш босқичида учраганда ҳам, 5-10 фоиздан 30-35 фоизгача ҳосилни нобуд қиласы.

Касаллик белгилари: құнғир зангдан фарқлы ўлароқ, сариқ зангбаргларда узун, қатор-қатор жойлашган, равшан сариқ урединно пустулалар ҳосил қиласы.

Сариқ зангнинг экинларга тарқалиши ва қишлоқ хусусиятлари құнғир зангницидан фарқ қилмайды, аммо об-хавога муносабатлари хар-хил. Сариқ занг ҳам ёмғир, шабнам талаб қиласы, аммо бу касаллик учун қулай харорат анча пастроқ 8-15 °C. Касалликни бошланиши учун 2 °C ҳаво ҳарорати зарур.

Кураш чоралари: хар иккала занг касалликларига қарши кураш чоралари бир-бирига үхшайды.

Биринчи навбатда эрта баҳордан бошлаб ғалла майдонларини атрофи, ариқларни қирғоқлари қуриган ўт-хашаклардан тозаланиши керак. Барча майдонларда агротехник тадбир (органик ва минерал ўғитлар билан озиқлантириш, шарбат билан сугориш, бегона ўтларга қарши гербицид сепиши ва х.к.)лар сифатли даражада олиб борилиши керак. Касаллик тушиш эхтимоли бор ғалла майдонлари аниқланиб биринчи навбатда шу майдонлари суспензия сепилиши керак.

Суспензия құллаш.

Кузги буғдойни құшымча озиқлантириш учун суспензия усулидан фойдаланиш мақсадға жуда мувоғиқ келади. Бу тадбир ғаллани найчалаш, бошоқлаш ва донни сут пишиш даврларида ўтказилади.

Суспензия тайёрлашда ёки кузги буғдойни құшымча озиқлантиришда асосан 46 фоизли карбомид (мочевина) ўғитидан фойдаланилади. Карбомид сувда яхши эрийди ва кузги буғдойнинг барги орқали тез ўзлаштирилади.

Суспензия қуйидагича тайёрланади. *Биринчи құшымча озиқлантириши* учун гектарига 4,5-5 кг карбомид 25 литр сувда, оддий суперфосфат ҳамда 5-6 кг микдорда шунча сувда эритилади, бунинг учун обдон аралаштирилади. Сүнг эритма 60-70 градусгача иситилади. Кейин бу

эритма (50 литр) сузилади. Тайёрланган икки идишдаги эритмага 250 литр сув қўшиб хажми 300 литр бўлган идишга қўйилади.

Иккинчи озиқлантиришида карбомид миқдори 6-7 кг бўлиб, бошқа иккинчи идишда 5 кг калий тузи обдон аралаштирилади. Сўнг бу икки идишдаги жами 50 литр эритма сузилади. Кейин 250 литр сувли 300 литрли идишга қўйилади. Шу билан 300 литр ишчи эритма 1 гектарли кузги буғдойни барглар орқали озиқлантиришга шай холга келтирилади.

Кузги буғдойни учинчи озиқлантиришида карбомид миқдори 9-10 кг, оддий суперфосфат миқдори эса 7-8 кгни ташкил этади. эритма тайёрлаш жараёни эса худди биринчи озиқлантиришдагидек ўтказилади. Суспензия кузги буғдойни ташқи ноқулай шароит ва каслликлардан сақлаб қолиш усули бўлибгина қолмай, балки унинг дон сифатига ҳам, салмоғига ҳам ижобий таъсир этади.

Агар занг касаллиги бошланган бўлса ҳосилни сақлаб қолиш учун экинларга албатта Бампер, Тилт, Алто-супер, фоликур каби фурунгицидлардан бирини сепиш мақсадга мувофиқдир.

Бунда гектарига Бампер (25%) – 0,5 литр, Фоликур (22,5 %) – 0,5 литр, Алто-супер (33%) – 0,3 литр, Тилт (25%) – 0,5 литр меъёрда 300 литр сувда эритилиб сепилади.

Ушбу тавсиянома “Ахборот Маркази” нинг мутахассиси, Қ.Х.Ф.Н.С. Ўз ПТИ Андижон филиали катта илмий ҳодими С.Бахромов томонидан илмий манбалар асосида тайёрланди. Мурожат учун телефон 224-40-41